# РЕВОЛЮЦИОН КУРАШЛАРДА ТОБЛАНГАН



**Е. Д. СТАСОВА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА**

Бугун В. И. Ленининнг матонатли сафдошларидан бири, Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Елена Дмитриевна Стасова туғилган кунга 110 йил тўлади. У гимназияни туғаллаганидан сўнг Петербургдаги хотин-қизлар ишчи-кечки мактабида ўқитувчилик қилади. Ўша пайтда Н. К. Крупская, у орқали эса Ленининнг «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш» союзига яқин бўлган кишилар билан танишади.

Елена Дмитриевна революцион курашларда тобланган партия жангчисидир. У 1898 йилда Петербург социал-демократлар комитетининг аъзоси сифатида шаҳар жанговар пролетариатининг сафларида туриб революцион чиқишларда иштирок этди. 1901 йилдан бошлаб эса «Искра»нинг фаол агентларидан бирига айланди. Профессионал революционер бўлган Е. Д. Стасова Петербург, Москва, Орёл, Киев, Тифлис ва бошқа шаҳарларда партия иши олиб борди. У Россияда яширин иш олиб бораётган кўпгина ташкилотларнинг бу пайтдаги эмиграцияда бўлган В. И. Ленин билан алоқасини таъминлаб турди. Елена Дмитриевна фақатгина РСДРПнинг II ва III съездлари орасидаги даврда ҳар ойда Владимир Ильичга 300 тагача хат жўнатиб турарди.

Биринчи бор Стасова В. И. Ленин билан 1905 йилда Женевада учрашди. Бу пайтда у РСДРП Марказий Комитетида ишларди. Партия съездларини тайёрлашда ҳам унинг ҳиссаси катта эди. Революцион фаолияти учун Е. Д. Стасова бир неча бор чор ҳукумати томонидан қамоққа олинган. Жумладан, 1913—1916 йилларда у Сибирга сургун қилинган.

1917 йил февралидан бошлаб Елена Дмитриевна партия Марказий Комитетининг секретари лавозимида ишлай бошлади. У Улуғ Октябрь социалистик революциясига тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишда фаол қатнашди. Революция ғалабасидан сўнг Е. Д. Стасова партия Марказий Комитети Закавказье бюросининг секретари, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва СССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди, мамлакатимизда социализм қурилиши ишига улкан ҳисса қўшди.

Е. Д. Стасова узоқ йиллар давомида Коминтерн ҳамда жаҳон ишчилар ҳаракати билан боғлиқ бошқа ташкилотларда ишлади. У революция курашчиларига ёрдам кўрсатиш халқаро ташкилотининг совет секциясига раҳбарлик қилди. 1932 йилда Амстердамда ўтказилган урушга қарши конгрессда урушга қарши ва антифашист жаҳон комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1934 йилда урушга қарши ва антифашист хотин-қизлар жаҳон комитетини ташкил этишда қатнашди.

Е. Д. Стасова деярли 70 йиллик умрини партия иши учун аямай сарфлади. У ҳаётининг сўнгги кунларигача оташин партия пропагандисти бўлиб қолди. Елена Дмитриевнанинг В. И. Ленин тўғрисидаги хотиралари катта қимматга эгадир. У «Коммунистларда ҳамиша ва барча соҳада олдинда бўлиш, намуна ва ўрнак кўрсатишдан бошқа ҳеч қандай алоҳида имтиёзлари йўқ», деб ёзган эди. Унинг ўзи худди ана шундай ғоят софдил, принципиал, интизомли партия аъзоси, ўз бурчига содиқ революционер эди.

**Суратда: Елена Дмитриевна СТАСОВА.**

**ТАСС фотохроникаси.**




**Тошкентда «Хотин-қизлар, меҳнат ва аҳоли проблемалари» мавзусида халқаро семинар ўтяпти. Унда Европа, Осиё, Африка ва Американинг кўпгина мамлакатлари вакиллари иштирок этишяпти. Суратда: семинар қатнашчиларидан бир группаси: (чапдан ўнгга) А. Тошматов (СССР), М. Наргис (Бангладеш), Р. М. Смирнова (СССР), А. Иноятулла (Покистон), К. Доктор (Ҳиндистон), У. Алагавади (Ҳиндистон), Р. Анкер (АҚШ), В. В. Бодрова (СССР) ва К. Оппонг (Буюк Британия).**

**Ф. Қурбонбоев** фотоси. (ЎзТАГ).

# 73 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

ЭРТАГА — ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Областимизда ўнлаб озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Уларда халқимизнинг кундалик эҳтиёжлари учун турли-туман маҳсулотлар тайёрланмоқда. Тошкентдаги ёғ-мой комбинати ҳам шундай корхоналарнинг бири. Тармоқ ходимлари байрами арафасида мухбиримиз М. Мирҳамидов комбинат бош инженери вазифасини бажарувчи **Сайёр Раҳимжонович УБАЙДУЛЛАЕВ**дан коллективда ана шу санани қандай нишонланаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Бизнинг мамлакатимизда озиқ-овқат саноати ходимлари куни ҳам умумхалқ байрамидек нишонланади. Бу шу тармоқ ходимлари ҳақида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин намуналаридан бири ҳисобланади. У зиммамиздаги вазифага янада масъулиятлироқ муносабатда бўлишга ундайди.

Шунинг учун ҳам коллективимиз байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида фидокорона меҳнат қилди. Зиммасига янги мажбурият олиб ишлади. Барча цехлар, сменалар, бригадалар коллективлари, айрим ишчи-хизматчилар ўз байрамларига арзирлик совғалар тайёрлашга астойдил интилдилар. Улар ўртасида социалистик мусобақа ва унинг олий формаси бўлган меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати янги куч билан авж олиб кетди.

Мусобақа давомида илғор тажриба ва иш усулларини кенг оммалаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, иш шароитларини яхшилашга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Меҳнат беллашуви ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Бунинг учун кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар таъсис этилди. Етакчи касб эгаси бўлган ишчилар ўртасида эса шахсий мусобақа бошланди. Янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш ҳақидаги ташаббуслари кенг оммалашди. Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, ҳозирги вақтда корхонамизда ишлаб чиқариш нормасини бажармаётган ишчи қолмади. Ҳамма топшириқни тўла ва зиёдаси билан адо этмоқда.

Халқимизнинг меҳнат унумдорлиги — муваффақиятлар гарови, деган ҳикматли нақли бор. Ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришиш кўп жиҳатдан шунга боғлиқлиги ҳаммага маълум. Коллективимиз бу масалани доим эътибор марказида сақламоқда. Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган чоралар кўрилаяпти. Бу билан маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфи йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Сўнгги вақтларда цехларимизда кўпгина янги технологик линиялар, машина-механизмлар ишга туширилди. Биз қатор чет мамлакатларидан ҳам қурилмалар келтириб ўрнатмоқдамиз. Яқинда Бельгияда ишлаб чиқарилган, ёғни рафинация қилиш қурилмаси фойдаланишга топширилди. Донецк машинасозлари ишлаб чиқараётган сепарация линияси ишга туширилди. Шунингдек, чигит мағзини қовуриш қозонларини ўрнатдик. Бу қозонларнинг ҳар бири бир кеча кундузда 100 тонна чигит мағзига ишлов беради. Бензин буғларини сотувчи янги конденсаторнинг фойдаланилиши бу иш жараёнини анча яхшилаш имконини берди. Маргарин цехида эски асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда. Ҳозиргача бу бўлинмада маргаринни қадоқлайдиган иккита автомат қурилма ўрнатилди. Бу линиялар аввалгиларига нисбатан қувватли бўлиши билан бирга қадоқлаш жараёни сифатини анча оширишга ёрдам бермоқда.

Ишчи-хизматчилар куч-ғайратини олдимизда турган вазифаларнинг бажарилишига сафарбар этишда социалистик мусобақанинг роли катта бўлмоқда. Цехлараро меҳнат рақобатида маргарин цехи коллективи пешқадамлик қиляпти. Цех ишчи-хизматчилари йил бошидан бери мусобақада мукофотли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Айниқса, сўнгги ойларда яхши ишлаяпти. Касб байрамимиз шарафига ташкил этилган мусобақада ҳам ғолиб келди. Сентябрь ойи якунлари бўйича биринчи ўринни эгаллади. Коллективнинг ўтган тўққиз ой давомида пландагидан ташқари реализация қилган маҳсулоти миқдори 236 тоннани ташкил этди. Майонез, қадоқланган мой ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам тўла адо этилди.

Коллективимиз меҳнат натижасининг баракали бўлишида кўпчилик бригадалар коллективларининг катта улуши бор. Меҳнатни ташкил этишнинг бу шакли афзалликларини намойиш қилаётганлар ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиш мумкин. Чунки улар ўзларининг унумли ва сифатли ишлари билан ҳамманинг ҳурмат-эътиборини қозонишяпти.

Бундай пешқадам бригадалар ҳақида гап кетганда аввало маргарин цехининг Марат Ортиқов раҳбарлигидаги коллективи номини тилга олгинг келади. Ўз касбининг устаси ва моҳир ташкилотчи бўлган бригадир коллектив меҳнатини пухта ташкил этган. Бу коллективда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилиш ҳоллари тамомила барҳам топган. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун шиори остида завқ-шавқ билан меҳнат қилинади. Аҳил ва иноқ бўлиб кетган маргаринчиларнинг меҳнат кўрсаткичлари доим юксак бўлмоқда. Улар ҳар сменада қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга одатланишган. Майонез цехининг Маъмура Ўсарова, автоклав цехининг Фатхулла Эрматов, ёғ-экстракция заводининг Сайфулла Мирсаидовлар бошлиқ бригадалар аъзолари ҳам топшириқларни зиёдаси билан бажаришяпти.

Коллективимиз орасида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган, ҳар соҳада ишчиларга намуна бўлаётган кўплаб ветеранларимиз бор. Улар мураббийчилик ҳаракатида ҳам фаол қатнашишиб, ёшларда танлаган касбларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотмоқдалар, янги ишчи кадрларни тайёрлашда салмоқли ёрдам бермоқдалар. Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Лола Зайниддинова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган Холиса Эшонқуловаларни майонез цехидагина эмас, балки бутун комбинатимизда ҳам ардоқлашади. Улар бундай иззат-икромга ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан сазовор бўлишган.

Маргарин цехининг оператори Любовь Павловна Камилянова, слесарлар бригадири Александр Хархардинов, гидрогенезаторшик Марина Никитина, слесарь Саксонбой Мирражабов,, ёш ишчилардан Насиба Қирғизова, Маҳсума Зуфарова, Абдуқаҳҳор Абдукаримовлар шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам унумли ишламоқдалар. Улар шахсий мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Коллективимиз ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида юксак марраларни кўзлаган. Биз пландагидан ташқари кўп миқдорда маҳсулот беришга аҳд қилганмиз. Шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга соламиз. Касб байрамимиз муносабати билан коллектив ўртасида вужудга келган меҳнат кўтаринкилигини янада авж олдирамиз. Шу вақтгача пландагидан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилган ишчи-хизматчиларимиз йил охиригача бу кўрсаткични 500 минг сўмликка етказадилар, йил давомида эса ҳаммаси бўлиб совет кишилари эҳтиёжлари учун 73 миллион сўмлик турли-туман ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришамиз. Бу бизнинг СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшган ҳиссамиз бўлади.

# КЎМИР РАЗРЕЗИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Тошкент область партия комитетида Ангрен конидан қазиб чиқарилган кўмирни қайта ишлашда қоладиган чиқиндилардан ҳамда Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСлари кул-шлакларидан комплекс фойдаланиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Госплани, Госснаби, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика министрликлари ва идоралари вакиллари, шунингдек, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари, корхоналар раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари олдида «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси, «Ташкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Кенгашда Ангрен кўмир разрези чиқиндиларидан халқ хўжалиги тармоқларида оқилона фойдаланиш ҳақида сўз юритилди. Бу ишда катта камчиликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Кўмир разрези бўйича чиқиндиларни омборларга жойлаштириш харажатлари ёқилғи таннархининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Шу муносабат билан минерал хом ашё ва маҳсулотлардан комплекс фойдаланиш, уларни қайта ишлаш кўмир таннархини анча камайтириш имконини берадиган резерв ҳисобланади.

Ангрен саноат узели конларида қазиб чиқарилган кўмир чиқиндиларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш учун лозим даражада куч-ғайрат сарфламаётган айрим илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари ва корхоналарнинг фаолияти танқид қилинди. Идоралараро тўсиқларнинг мавжудлиги Ангрен комплексини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий сабабларнинг биридир.

Ангрен саноат узели кўмирини қазиб чиқариш ва қайта ишлашдан қолган чиқиндилардан тўла фойдаланиш бўйича тадбирларни жорий этишни тезлаштириш мақсадларида бу тадбирларни амалга оширилишини область партия комитетида мутасадди мутахассислар, план, хўжалик органларининг вакиллари иштирокида муттасил кўриб туришга қарор қилинди. Бутун тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишларни бошқариш Тошкент илмий маркази зиммасига юклатилди.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**(Боши 1-бетда).**

Бир қанча колхозларда намунали уставнинг йиғилишларни ўтказиш, колхоз аъзолигига қабул қилиш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги талаблар бузилмоқда, уставни ва колхоз ҳаётининг демократик асосларини бошқача тарзда бузишга ҳам йўл қўйилмоқда.

Колхоз ва совхозларда кадрлар жуда тез-тез ўзгартириб турилади, давлат ва меҳнат интизомига риоя этилиши учун раҳбарларга нисбатан талабчанлик пасайтирилган. Белгиланган планлар ва топшириқларнинг бажарилиши устидан етарлича контроллик қилинмаяпти, бузувчиларга нисбатан ўз вақтида қатъий чоралар кўрилмаяпти.

Самарқанд область партия комитети ўз ишида КПСС XXVI съездининг, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг колхоз, совхоз ишлаб чиқаришини бошқаришнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш масалаларига доир талабларини бажаришга етарлича эътибор бермаётганлиги, колхоз ва совхозларда ташкилотчилик ишини сусайтириб юборганлиги, устав талабларига сўзсиз амал қилишни, колхоз ва совхозларда давлат интизоми, план ҳамда ижрочилик интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш учун район партия комитетларига, совет, қишлоқ хўжалик, касаба союз ва комсомол органларига, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ҳамда раҳбарларига нисбатан қатъий талабчанлик қилмаётганлиги натижасида мана шу барча жиддий камчиликларга йўл қўйилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мевасабзавот хўжалиги министрлиги, Главсредазирсовхозстрой ҳамда совхозларга, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа хўжаликларга эга бўлган министрликлар ва идоралар бу соҳадаги ишларни ҳали суст олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини бошқаришнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш борасидаги партия талабларини бажаришда, колхоз ва совхозларда план интизоми, молия ҳамда ижрочилик интизомига жуда қатъий риоя этилишини таъминлашда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишда жиддий камчиликлар борлигига Самарқанд область партия комитети бюросининг эътиборини жалб қилди.

Область, район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига қуйидагилар топширилди:

Колхоз ва совхозларда ташкилотчилик иши кескин кучайтирилсин, қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан қатъий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

хўжаликларнинг, ер тузилиши хизматининг, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарларидан ер тўғрисидаги қонунга қатъий риоя этиш талаб қилинсин, ерларни талон-тарож қилиш ҳолларига чек қўйилсин. Ҳисоб-китоб, ревизия ва экономика ишларини яхшилаш масалаларига, колхоз ва совхозларда молия, план ва ижрочилик интизомига риоя этилишига эътибор кучайтирилсин;

ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида иқтисод ва тежамкорликка, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришга, унинг сифатини оширишга ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигига эришилсин. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар, меҳнат ва материал ресурсларини бошқа мақсадларга жалб этиш таъқиқлансин, колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолияти устидан доимий контроллик ўрнатилсин, экономика ишларини ташкил этишда, ишлаб чиқаришни рентабел юритишни таъминлашда уларга кўпроқ ёрдам берилсин;

колхозларда пул даромадларини тақсимлашдаги камчиликларга барҳам берилсин, меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат унумдорлигига бевосита боғлиқ бўлишига эришилсин, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида бригада пудрати кенгроқ жорий этилсин, деҳқончилик ва чорвачиликда ишларни механизациялаш даражаси бутун чоралар билан оширилсин;

чорвачиликдаги ишларнинг аҳволини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин. Товар гўшт етиштиришда ва ғунажинларни парвариш қилишда хўжаликлараро корхоналарнинг тармоғи кенгайтирилсин ҳамда уларнинг роли оширилсин, урғочи моллар доимо кўпайтирилсин, чорва молларнинг маҳсулдорлиги оширилсин, фермалар маҳсулотининг таннархи пасайтирилишига эришилсин, молларни хўжаликларнинг ўз ем-хашаги билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин;

колхозлар ва совхозларнинг хўжалик жиҳатдан мустақиллиги, уларнинг ижодий ташаббускорлиги ҳар томонлама ривожлантирилсин. Қолоқ хўжаликларга кўпроқ амалий ёрдам берилсин. 1983 йилда ва умуман беш йилликда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлаш планлари билан социалистик мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши таъминлансин, давлат ва план интизомига риоя этилиши учун хўжалик раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг масъулияти оширилсин, ишлаб чиқариш ўрта бўғинини мутахассислар ҳисобига кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсин.

Самарқанд область ва район партия комитетларига республика қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига, госкомсельхозтехникага ер, сув материал-техника ресурслари ҳамда меҳнат ресурсларидан аниқ мақсадни кўзлаб ва тежаб-тергаб фойдаланишда, уларнинг самарадорлигини оширишда, хўжаликларни техника, юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда, ишчи кадрлар тайёрлашни ташкил этишда, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини оширишда область колхоз ва совхозларига амалий ёрдам бериш тадбирларини бажариш топширилди.

Колхозларнинг биноларидан, иншоотлари ва ерларидан фойдаланишда тартиб ўрнатилсин, ижара ҳақи бўйича қарз тугатилсин.

СССР Давлат банки Ўзбекистон республика конторази билан республика Марказий статистика бошқармасига колхоз ва совхозлар ўзларига ажратиб берилаётган кредитлар ва нақд пуллардан ўз ўрнида фойдаланаётганликлари устидан контролликни кучайтириш, ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамлашда хўжаликларга амалий ёрдам бериш, ҳамма жойда учёт ва ҳисобот тўғрилигини таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика прокуратураси, ички ишлар министрлиги, юстиция министрлиги зиммасига область колхоз ва совхозларида қонун-қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда ўзларига бўйсунган область ташкилотларининг ишини яхшилаш мажбуриятини юклади.

# Жаҳон янгиликлари

## БРАТИСЛАВАДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ

**БРАТИСЛАВА, 14 октябрь. (ТАСС). Бу ердаги Чехословакия Совет дўстлиги уйида «СССР энергетикаси ҳозир ва келажакда» виставкаси очилди. Виставканинг очилиш маросимида ЧКП Марказий Комитети президиумининг аъзоси, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ленарт, Чехословакия Социалистик Республикасининг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар.**

**Экспозиция СССРнинг ёқилғи-энергетика ресурсларини ўзлаштиришда совет энергетиклари эришган катта ютуқлари ҳақида, қардош мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Иссиқлик, сув ва атом энергиясидан фойдаланадиган электр станцияларнинг турли типлари учун ноёб машина-ускуналарни ишлаб чиққан совет конструкторларининг лойиҳалари фотосуратлар ва макетларда кўрсатилган. Виставканинг томошабинлар халқ хўжалигида қуёш, шамол, ер ости иссиқ сувларининг энергиясидан қандай фойдаланилаётганлиги билан танишишлари мумкин бўлган бўлимлари ҳамманинг эътиборини жалб қилмоқда.**

●

**ЧИЛИ. Тиш-тирноғигача қуролланган полициячилар Сантъяго чеккасида икки мингга яқин бошпанасиз аҳоли яшаётган чодирли лагерга ҳужум қилдилар. Улар бу ерда яшаётган хотин-қизлар, қариялар ва болаларни ваҳшийларча калтакладилар. Оқибатда кўпгина кишилар оғир жароҳатланди. Бир неча киши эса қамоққа олинди. Суратда: лагерга қилинган ҳужумдан сўнг.**



**АП—ТАСС телефотоси.**

●

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● КОБУЛ. Парван вилоятида Афғонистон халқ демократик партияси ва АДР ҳукумати сиёсатини қўллаб-қувватлашга бағишланган оммавий митинг бўлди.

Митинг иштирокчилари — меҳнаткашлар, руҳонийлар, АХДП вилоят комитетининг намояндалари, миллий Ватан фронтининг аъзолари Покистон территориясидан юборилаётган шайкаларнинг фаолиятидан чуқур ғазабланганликларини изҳор этдилар. Ана шундай бандит бўлинмаларидан бири аҳоли мадади билан афғон армияси жангчилари томонидан яқинда шу вилоятда тугатилган эди.

● НАЙРОБИ. Бу ерда тантанали вазиятда Кения президенти Д. Арап Мои республика бошлиғи деб расмий эълон қилинди. Янгиланган кабинетнинг 23 министри, олий ҳарбий бошлиқлар ва бошқа мансабдор шахслар Кения президентига ва ҳалқига содиқмиз, деб қасамёд қилдилар.

Д. Арап Мои миллатга мурожаат қилиб, мамлакат олдида турган иқтисодий проблемаларни, жумладан одам ресурслари ва маҳаллий табиий ресурслардан оқилона ва тўлароқ фойдаланиш йўли билан тезроқ ҳал қилишнинг муҳим эканлигини айтди.

Д. Арап Мои ташқи сиёсат ҳақида гапириб, бу сиёсат аввало Африкадаги энг муҳим проблемаларни ҳал этишга, ирқчи ЖАРда апартеид системасини тугатишга, Намибия халқини озод қилишга қаратилади, деб таъкидлади.

(ТАСС, 13 октябрь).

## С. НУЙОМАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● ПРАГА. Намибия халқи мустамлакачилик зулми тамомила тугатилиб, мамлакатнинг эркин мустақил ривожланиши таъминлангунга қадар СВАПО раҳбарлигида курашни давом эттираверади, деди Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) президенти С. Нуйома бу ерда матбуот конференциясида.

СВАПО кейинги ойлар мобайнида бир қанча муваффақиятларга эришди. Намибия ватанпарварларининг жанговар ишлари эндиликда мамлакатнинг чекка районлари ва марказий районларини ҳам қамраб олди. Биз халқнинг ишончига сазовор бўлдик. Халқ бизнинг умумий ғалабамиз тантана қилишига ишонади. Ангола, Мозамбик, Зимбабве Жанубий Африка босқинчиларига қарши олиб бораётган адолатли курашимизни самарали тарзда қўллаб-қувватламоқда. Африка жанубидаги бошқа «фронт бўйи» давлатлари, Африка Бирлиги Ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, бутун дунёнинг прогрессив кучлари биз билан батамом бирдамдирлар, деди Нуйома.

## ТУНИСДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

● ТУНИС. Бу ерда маҳаллий ва чет эл журналистлари учун бўлиб ўтган матбуот конференциясида Тунис Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Хармел сўзга чиқди. У Тунис Компартияси органи «Ат-Тарикал-жадид» газетасини олти ой муддатга ёпиб қўйиш тўғрисида Тунис маъмурларининг қарорига қарши норозилик билдирди ва бу қарорнинг бекор этилишини талаб қилди. Бир қанча жамоат ташкилотларининг ва Тунис газеталарининг матбуот конференциясида қатнашган вакиллари ҳам шу талабни қўллаб-қувватладилар.

(ТАСС. 14 октябрь).

